



Ўзбекистон  
Республикаси  
Марказий банки

# Бизнес кайфияти шарҳи

2022 йил II чорак



Тошкент 2022 йил

**Бизнес кайфияти шарҳи – Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидағи иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик муҳити ва бандлик билан боғлиқ тенденцияларни муқобил индикаторларини ўзида ифода этади.**



---

Ушбу шарҳ Марказий банк томонидан 2022 йил II чорагида ҳудудларда шаклланган тадбиркорларнинг бизнес кайфиятини ўрганиш мақсадида 2022 йилнинг июль ойида ўтказилган сўров асосида тайёрланди. Сўровда иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритувчи 1,4 мингга яқин тадбиркорлар онлайн иштирок этишди. Бунда, имкон қадар тадбиркорлик фаолиятининг турли йўналишларини қамраб олиш орқали репрезентативликни таъминлашга эътибор қаратилди.

Сўровнома иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик шароитлари ва муҳитига таъсир қилувчи омиллар, энергия истеъмоли ҳажми ўзгариши, юк ташишдаги кўрсаткичлар, соҳалардаги ишчи кучига бўлган талаб ҳамда бандлик даражаси, савдо ҳажми ҳамда соҳа истиқболи бўйича жорий ҳолат ва кутилмалар юзасидан 15 дан ортиқ саволларни қамраб олган.

Саволлар бир неча жавоб вариантиларидан иборат бўлиб, қатнашувчилар томонидан бир пайтнинг ўзида улардан бир ёки бир нечтасини танлаши мумкин. Натижалар ҳар бир жавоб вариантини танлаганлар сонини умумий жавоблар сонига бўлиш ва алоҳида гурухлар бўйича вазнили коэффициентлар қўллаш орқали умумлаштирилади. Умумлаштирилган маълумотлар тақсимот қоидалари асосида таҳлил қилиниб, ўртача кўрсаткичлар билан таққосланади.

Таҳлиллар мамлакатнинг турли ҳудудларидағи иқтисодий шароитларни қиёсий таққослаш ва ўзгариш тенденцияларини сифат жиҳатдан ўрганиш имконини беради.

---

# Умумий хулосалар

## Тадбиркорлик мұхити

Респондентларнинг фикрига күра, республикада 2022 йилнинг II чорагида тадбиркорлик шароитлари ўтган чоракка нисбатан **бирмунча яхшиланди**. Бунда, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ҳамда Бухоро вилоятларида бизнес шароитларини яхшиланганини таъкидлаган респондентлар улуши ўртача 53,5 фоизни ташкил этиб, аввалги чоракка нисбатан сезиларли даражада ўсиши кузатилди (*I чоракда ушбу кўрсаткич 28 фоизга тенг бўлган*).

Жорий йил II чорагида тадбиркорларнинг бизнес шароитлари бўйича ижобий жавобларини аввалги чоракка нисбатан ошганлиги, бир томондан, ташки шокларнинг мамлакатимиз иқтисодиётiga салбий таъсирлари аста-секин пасайиб бораётгани билан изоҳланса, бошқа томондан, ушбу даврда кўплаб соҳалар, жумладан, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо, туризм, умумий овқатланиш ва ташиш кабиларда мавсумий фаолликнинг жонлангани кузатилди.

## Иқтисодий фаоллик

2022 йилнинг II чорагида **энергия истеъмоли** кўпайганини таъкидлаган тадбиркорлар улуши ортиб, **43 фоизни** ташкил этди (*I чоракда 37 фоиз*). **Юк ташиш ҳажмида ҳам ўсиш кузатилган бўлиб, юк ташиш ҳажми ўсганлигини таъкидлаган бизнес вакиллари улуши 39 фоизга тенг бўлди (*I чоракда 30 фоиз*).**

Чорак давомида **тўлиқ фаолият юрита олмаганликларини** қайд этган респондентлар улуши бироз қисқарди. Хусусан, аввалги чорақда сўровда қатнашган жами тадбиркорларнинг **30 фоизи** тўлиқ фаолият юрита олмаганликларини таъкидлаган бўлса, II чорақда ушбу кўрсаткич **24,5 фоизгача** камайди. Бунда, тўлиқ ишламаслик сабаблари сифатида ёқилғи нархларининг қимматлиги ҳамда хомашё материалларнинг етишмаслиги каби омиллар келтирилган.

## Бандлик

Ўрганилаётган даврда тадбиркорларнинг қўшимча ишчи кучига бўлган талабининг жонлангани кузатилди. Бунда, қурилиш, умумий овқатланиш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларида қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ошган. Айни пайтда, ушбу даврда бизнес вакилларидан **иш сўраб келувчилар** сонида ҳам ўсиш кузатилган. Хусусан, ишлаб чиқариш, фан-таълим, тибиёт, қурилиш ва хизмат соҳаларида иш қидирувчилар сони кўпайган.

## Пул-кредит

Тадбиркорларнинг **қарз юкламалари** (кредит ва фоиз тўловлар) динамикасида мувозанатлашув тенденциялари кузатилмоқда. Жумладан, I чорақда бизнес вакилларининг қарийб ярми чорак давомида қарздорлиги кўпайганлигини таъкидлаган бўлса, II чорақда ушбу кўрсаткич 40 фоизни ташкил этди.

## Истиқболлар

Умуман олганда, бизнес вакилларининг яқин истиқболдаги кутилмалари яхшиланиб бормоқда. Хусусан, келгуси 12 ой ҳамда яқин 3 йилда **мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда бизнес истиқболларини** ижобий баҳолаган иштирокчилар улуши ўртача **66 фоизни** ташкил этди (*I чоракда 58 фоизга тенг*).



# Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти

Тошкент шаҳридаги тадбиркорларнинг 57 фоизи (аввалги чоракда 20,5 фоиз) ва Тошкент вилоятидаги вакилларнинг 59 фоизи (ўтган чоракда 46,3 фоиз) бизнес шароитлари **яхшиланганини билдиришди**.

Шунингдек, бизнес мұхитининг ёмонлашганини таъкидлаган респондентлар Тошкент шаҳрида **3,8 баравар**, Тошкент вилоятида эса **2 бараварга** камайган.

Бунда, солиқ маъмурчилиги, маъмурий арапашувлар ҳамда инфратузилма билан боғлиқ муаммолар ишбилиармөнлик фаолиятига салбий таъсир этувчи омиллар сифатида қаралган (1-расм).

Шунингдек, онлайн банк хизматлари сифатининг ортиши ҳамда рақобат мұхитининг яхшиланиши ижобий баҳоланган.

Ушбу даврда 46 фоиз (ўтган чоракда 37 фоиз) вакиллар ёқилғи истеъмоли ва 42 фоизи (ўтган чоракда 30 фоиз) юқ ташиш ҳажми кўпайганини таъкидлаган бўлиб, бу ҳолат иқтисодий фаолликнинг жадаллашуви билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Чорак давомида иштирокчиларнинг 29 фоизга яқини **иш фаолиятини тўлиқ юрита олмаганликларини** билдиришди.

**1-расм. Ишбилиармөнлик мұхитини ёмонлашишига таъсир этувчи омиллар,** (респондентлар улуши, фоизда)



Ўтган чоракда уларнинг улуши 34 фоизга тенг бўлган.

Умуман олганда, ҳудудларда **ишчи кучига бўлган талаб** ўтган чоракка нисбатан кўпайган. Бу эса, ҳудудда иқтисодий фаолликнинг ошаётганидан дарак беради (2-расм).

Тошкент вилоятида ишлаб чиқариш, кафе-ресторан ҳамда савдо соҳасида иш излаб келганлар улуши юқори шаклланди.


Шу ўринда, иккала ҳудудда пул-кредит шароитларини **“қатъий”** деб баҳолаганлар ҳиссаси ўтган чоракка нисбатан камайган.

Ҳудудлардаги респондентларнинг кўпчилик қисми кредитлар ва фоизлар бўйича **қарз юкламалари** бироз ошгани ёки ўзгармай қолаётганини қайд этишган.

Келгуси 3 ойда ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги, майший хизмат, қурилиш, савдо ва тиббиёт соҳаларида **даромадлар янада кўпайиши** бўйича ижобий кутилмалар сақланиб қолган.

Шунингдек, сўров қатнашчиларининг катта қисми соҳа ривожида ижобий ўзаришлар **бўлишига ишонмоқда**.

**2-расм. Ишчи кучига бўлган талабнинг ўзгариши,** (респондентлар улуши, фоизда)





# Бухоро, Навоий, Самарқанд

Бухоро вилоятидаги бизнес вакиллари ҳудуддаги бизнес шароитлари **ўзгармаганини**, Самарқанд ва Навоий вилоятларида эса ўтган чоракдаги каби ишбилиармонлик муҳити **яхшиланганинги** эътироф этишди.

Тадбиркорлар томонидан асосан солик маъмурчилиги билан боғлиқ масалалар, маъмурий аралашувларнинг кўпайиши ва кредит олишдаги муаммолар фаолият юритишга салбий таъсир қўрсатган омиллар сифатида қайд этилди.

Таъкидлаш жоиз, ушбу ҳудудлардаги тадбиркорларнинг аксарият қисмida **энергия сарфи ҳамда юк ташиш ҳажми бироз ошган**.

Респондентларнинг Бухоро вилоятида учдан бир қисми, Навоий ва Самарқанд вилоятларида эса 26-27 фоизи чорак давомида **тўлиқ фаолият юрита олмаганикларини** маълум қилишди.

Бунда, асосий сабаблар сифатида айланма маблағларнинг камлиги, ёқилғи нархларининг қимматлиги ҳамда хомашё етишмаслиги келтириб ўтилган (4-расм).

Бухоро ва Навоий вилоятларидаги респондентлар маъмурий аралашувлар

иш фаолиятига салбий таъсир этганини таъкидлашган бўлса, Самарқанд вилоятида нокулай об-ҳаво шароитлари ҳамда газ ва электр тармоғидаги узилишлар тадбиркорлар учун қийинчиликлар туғдирганини эътироф этишди.

Бухоро вилояти тадбиркорларида **ишлини кучига талаб ўзгармаган** бўлса, Навоий ва Самарқанд вилоятларида кўпайган.


Айни пайтда, тиббиёт, молия ва туризм йўналишларида иш изловчилар сони ҳам ортган.

Ҳудуддаги тадбиркорларнинг аксарияти кредит қарзлари ўзгармаганини маълум қилишди.


Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва савдо, Навоий вилоятида эса кафе-ресторан, майший хизмат ва таълим соҳасидаги бизнес вакиллари келгуси З ойда даромадлари **кўпайишини кутишмоқда**.

Ўрта муддатли истиқболда бизнес соҳаси вакиллари мамлакатимизда иқтисодиёт ва бизнес муҳитининг **яхшиланисига ишонч билдирган**.

3-расм. Ёқилғи ва энергия истеъмоли ҳамда юк ташиш ҳажми, (респондентлар улуши, фоизда)



4-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, (респондентлар улуши, фоизда)





## Андижон, Наманган, Фарғона

2022 йилнинг II чорагида ҳудудларда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг 50 фоизга яқини (ўтган чоракда ўртача 43 фоиз) бизнес шароитлари **яхшиланганини** таъкидлашди.

Бунда, онлайн банк хизматлари ҳамда кредит олиш жараёнларининг осонлашгани ҳамда маъмурий аралашувларнинг қисқаргани ҳудудда бизнес мухитига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллардан бўлди.

Бироқ, ҳалигача мавжуд монопол корхоналар, истеъмол ва хомашё товарларининг импорт қилишдаги чекловлар ҳамда божхона тарифларининг юқорилиги, шунингдек, логистика ва инфратузилмадаги қийинчиликлар тадбиркорлик фаолиятини чекловчи омиллардан эканлиги билдирилди.

**Иқтисодий фаоллик** даражаси ўтган чоракка нисбатан бироз жонлангани кузатилди. Бунда, ҳудудда **энергия истеъмоли** ошганини қайд этган тадбиркорларнинг улуши I чорақда ўртача **32 фоизни** ташкил этган бўлса, II чорақда ушбу кўрсаткич **38 фоизга** тенг бўлди.

**Тўлиқ фаолият юрита олмаганлик** ҳолатлари аста-секин яхшиланганлиги кузатилмоқда. Бунда, ушбу сегментдаги респондентларнинг улуши 23 фоизгача қисқарган (I чорақда 31 фоизга тенг).


Фарғона вилоятида бошқа ҳудудларга нисбатан **ишчи кучига бўлган талабнинг икки бараварга** кўпайганини кўриш мумкин. Соҳалар кесимида эса қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва савдо соҳаси вакилларининг ишчи кучига талаби сезиларли ошган (5-расм).

Ҳудудда ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, фан-таълим ҳамда савдо соҳасида иш қидирувчи талабгорлар сони юқори даражада шаклланди.


Чорак давомида **кредит** ҳамда **қарз тўловларининг** камайганини таъкидлаган бизнес субъектларининг улуши I чоракка нисбатан кўпайган.

Бизнес вакилларининг яқин истиқболдаги иқтисодий мухит бўйича кутилмалари бирмунча яхшиланган.

5-расм. Соҳалар кесимида ишчи кучига бўлган талабнинг ўзгариши, (респондентлар сони)



6-расм. Тадбиркорларнинг мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалари, (респондентлар сони)





# Қашқадарё, Сурхондарё

Вакилларнинг кўпчилиги сўров ўтказилган даврда бизнес шароитлари ва муҳити **яхшиланганини** таъкидлашди. Айни пайтда, бизнес юритиш шароитлари **ёмонлашганини** билдирган респондентлар улуши Сурхондарё вилоятида 5,7 фоизгача, Қашқадарё вилоятида эса 14,6 фоизгача қисқарган (*ўтган чоракда мос равишида 14,6 ва 25,8 фоизга тенг*).

Ўтган даврда бизнес вакилларининг **энергия истеъмоли** ҳамда **юк ташиш ҳажми** I чоракка нисбатан бироз ошганини кўриш мумкин. Бунда, энергия истеъмоли органини қайд этган респондентлар улуши 50 фоиз атрофида шаклланди.

Шунингдек, чорак давомида **юк ташиш ҳажми** кўпайганини маълум қилган тадбиркорлар Сурхондарё вилоятида 41 фоизни, Қашқадарё вилоятида эса 48 фоизни ташкил этди (*I чоракда мос равишида 31 ва 24 фоизга тенг*).

Ушбу вилоятларда иқтисодий фаоллик жонланиши билан **тўлиқ иш фаолиятини юрита олмаган тадбиркорлар сони қисқарган**.

Хусусан, I чорақда иш фаолиятида узилишлар сабаб бўлганини маълум қилган қатнашчилар 33 фоизни ташкил

этган бўлса, II чорақда ушбу кўрсаткич 19 фоизгача қисқарди.

**Ишчи кучига талаб ҳамда иш сўраб келувчилар** сони Сурхондарё вилоятида деярли ўзгармаган бўлиб, Қашқадарё вилоятида бироз кўпайган.

Бунда, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, курилиш, майший хизмат ҳамда савдо соҳасида иш излаётганлар кўпчиликни ташкил қилган.

Шунингдек, ҳудудда тадбиркорларнинг 40-50 фоизи **қарз юкламаларининг кўпайганини маълум қилди**.


Бизнес вакилларининг **келгуси 3 ойда даромадлари кўпайиши** бўйича кутилмалари бирмунча яхшиланган. Бунда, асосан, савдо, қишлоқ хўжалиги ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида **даромадлар ошишини** кутиш мумкин.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида аксарият тадбиркорлар келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича **ижобий ўзаришлар бўлишига ишонмоқда**.

7-расм. Бизнес юритиш шароитларининг ўзариши, (респондентлар улуши, фоизда)



8-расм. Бизнес фаолияти (савдо ҳажми, тушумлар, даромад) бўйича кутилмалари, (респондентлар улуши, фоизда)





# Жиззах, Сирдарё

Жиззах ва Сирдарё вилоятларида фаолият юритаётган бизнес вакилларининг аксарият қисми ўз худудларида **бизнес шароитлари ўзгармаганлигини таъкидлашди.**

Ушбу ҳудудда рақобат муҳити яхшилангани ҳамда кредит олиш жараёнлари осонлашгани бизнес муҳитига ижобий таъсир кўрсатди.

Бироқ, газ ва электр таъминотининг ёмонлашиши, маъмурӣ аралашувлар, монопол корхоналар кўламишининг ортиши ҳамда йўллар инфратузилмасидаги муаммолар салбий омиллар сифатида кўрсатиб ўтилди.

Чорак давомида аксарият бизнес вакиллари томонидан **энергия истеъмоли** ҳамда **юк ташиш ҳажми ўзгармаганлиги** қайд этилган. Бироқ, иккала ҳудудда ҳам энергия истеъмолининг ортганини таъкидлаган тадбиркорлар улуши I чоракка нисбатан бироз кўпайган.

Чорак давомида респондентларнинг учдан бир қисми **тўлиқ иш фаолиятини юрита олмаганликларини** қайд этишган (ўтган чоракда 29 фоиз).


Шу ўринда, савдо ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг **ишчи кучига бўлган талаби** ошган.

Жиззах вилоятида аксарият корхоналарда **иш сўраб келганлар** сони ортган бўлса, Сирдарё вилоятида ушбу кўрсатгич ўзгаришсиз қолган. Ҳудудларда талабга мос равища савдо ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида иш сўраб келганлар улуши кўпчиликни ташкил қилди.


Бизнес вакилларининг **қарз юкламалари** ўзгариши бўйича, Сирдарё вилоятидаги вакилларнинг аксариятида сўнгги чоракда қарз юкламаларида ўсиш кузатилган бўлса, Жиззах вилоятида эса ўзгаришсиз қолганлиги таъкидланган.

Келгуси З ойда савдо, ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларида **даромадлари ортиши** бўйича ижобий кутилмалар шаклланган.

**9-расм. Ёқилғи ва энергия истеъмоли, (респондентлар улуши, фоизда)**



**10-расм. Ишчи ўринлари таклифи ортган деб баҳолаган соҳалар, (респондентлар улуши, фоизда)**





# Хоразм

Хоразмда тадбиркорлик мұхити **ўзгаришсиз қолганини** таъкидлаган респондентлар күпчиликни ташкил этди.

Тадбиркорларнинг аксарият қисми онлайн банк хизматлари ривожланаётгани билан кредит олиш осонлашгани ҳамда соҳада рақобат мұхитининг яхшиланиб бораётгани бизнес мұхитига ижобий таъсир күрсатганини таъкидлашган.


Худудда солиқ маъмурчилегининг мураккаб бўлиб қолаётгани, ҳалигача сақланиб қолинган маъмурий аралашувлар, шунингдек, йўл инфратузилмасининг қониқарсиз ҳолдалиги бизнес вакилларининг фаолият юритишига салбий таъсир күрсатмоқда.

Чорак давомида бизнес вакилларининг ярмидан кўпида **ёқилғи ва энергия истеъмоли** ҳамда **юқ ташиш** ҳажмлари аввалги чоракка нисбатан **ўзгаришсиз қолган** бўлсада, кўпайган деб таъкидлаган иштирокчилар улуши I чоракка нисбатан бироз ошган.

Шунингдек, ҳудудда **тўлиқ фаолият юритмаганлар** кўпчиликни, яъни, жами иштирокчиларнинг учдан бир қисмини ташкил этмоқда.

Умуман олганда, ҳудудларда **ишчи кучига бўлган талаб** деярли ўзгаришсиз қолган.

11-расм. Кўшимчи ишчи кучига талабнинг шаклланиши, (респондентлар улуши, фоизда)



Бироқ, ушбу даврда савдо, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларининг фаоллашуви ишчи кучига талабнинг жонланишига хизмат қилди.

Шунингдек, **иш сўраб келувчилар** сони ҳам **сезиларли ошган**. Бунда, керакли соҳалар бўйича талабга мос равища иш сўраб келганлар улуши кўпчиликни ташкил этди.

Чорак давомида соҳа вакилларининг **кредит ва фоиз тўловлари** кўпайганини таъкидлаганлар улуши 38 фоизгача қисқарди (*аввалги чоракда 52 фоиз*).

Шунингдек, тадбиркорларнинг учдан икки қисми иқтисодиётдаги пул-кредит шароитларини **“қатъий” баҳолаган**.

Аксарият (50 фоиздан кўпроқ) бизнес вакиллари, хусусан, **савдо, ишлаб чиқариш** ҳамда **умумий овқатланиш** соҳаларида фаолият юритувчилар келгуси З ойда даромадларининг **янада кўпайшини** кутишмоқда.

Умуман олганда соҳа вакиллари келгуси йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда бизнес мұхити яхшиланиб боришига умид билдиришган.

12-расм. Кредит/қарзлар юкламалари ўзгариши, (респондентлар улуши, фоизда)

